

# MADANIYAT CHORRAHALARI

6-JILD, 1-SON

ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ

ТОМ-6, НОМЕР-1

CROSSROADS OF CULTURE

VOLUME-6, ISSUE-1



## BOSH MUHARRIR:

Yusupova Marina Rimovna  
san'atshunoslik fanlari nomzodi, professor

## ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:

Юсупова Марина Римовна  
кандидат искусствоведения, профессор

## CHIEF EDITOR:

Yusupova Marina Rimovna  
candidate of art science, professor

## MAS'UL KOTIB:

Mamatqosimov Jahongir Abirqulovich,  
PhD, dotsent

## ОТВЕТСТВЕННЫЙ СЕКРЕТАРЬ:

Маматкасимов Джахонгир  
Абиркулович, PhD, доцент

## EXECUTIVE SECRETARY:

Mamatkasimov A. Jakhongir  
PhD, assistant professor

## TAHRIR HAY'ATI:

**SAN'ATSHUNOSLIK FANLARI:**  
**Qodirova Sarvinoz Muhsinovna**  
san'atshunoslik fanlari doktori, professor  
**Shodiev Boltaboy Avazovich**  
san'atshunoslik fanlari doktori  
**Tojiboeva Oltinoy Qosimovna**  
san'atshunoslik fanlari doktori, professor  
**Xaytmatova Sabohat Agzamovna**  
san'atshunoslik fanlari nomzodi, dotsent  
**Xudoev G'ani Muhammadovich**  
san'atshunoslik fanlari bo'yicha falsafa  
doktori (PhD), dotsent  
**Yakubov Baxtiyor Chorievich**  
san'atshunoslik fanlari bo'yicha falsafa  
doktori (PhD), dotsent  
**Tursunmetova Robiya Abdulla qizi**  
san'atshunoslik fanlari bo'yicha falsafa  
doktori (PhD)

## PEDAGOGIKA FANLARI:

**Quronov Muhammadjon**  
pedagogika fanlari doktori, professor  
**Mardonov Shukrullo Qo'ldoshevich**  
pedagogika fanlari doktori, professor  
**Isakulova Nilufar Janikulovna**  
pedagogika fanlari doktori, professor  
**Shermonov Eldor Urolovich**  
pedagogika fanlari bo'yicha falsafa  
doktori (PhD), dotsent  
**Narzullaev G'ulom Asadovich**  
pedagogika fanlari nomzodi, dotsent  
**Abdujabbarova Musallam Lapasovna**  
pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

## TARIX FANLARI:

**Mavrulov Abduhalil Abdulhaevich**  
tarix fanlari doktori, professor  
**Ostonakulov Ikromiddin**  
tarix fanlari doktori, professor  
**Ashurov Adham Azimbayevich**  
tarix fanlari doktori, professor  
**Nishonboeva Qunduzxon Vakhobovna**  
tarix fanlari nomzodi, dotsent

## FILOLOGIYA FANLARI:

**Turdimov Shomirza**  
filologiya fanlari doktori, professor  
**Yo'ldoshev Ma'rufjon Muhammadjonovich**  
filologiya fanlari doktori, professor  
**Votona Seda Aleksandrovna Asaturovna**  
filologiya fanlari doktori, professor  
**Kasimov Nozim Kozimovich**  
filologiya fanlari nomzodi, professor

## ИСКУССТВОВЕДЕНИЯ:

**Кадырова Сарвиназ Мухсыновна**  
доктор искусствоведения, профессор  
**Шадыев Балтабай Авазович**  
доктор искусствоведения  
**Тоджибаева Алтйнай Касымовна**  
доктор искусствоведения, профессор  
**Хайтматова Сабохат Агзамовна**  
кандидат искусствоведения, доцент  
**Худаев Гани Мухаммадович**  
доктор философских наук (PhD) в области  
по искусствоведению, доцент  
**Якубов Бхатиёр Чариевич**  
доктор философских наук (PhD) в области  
по искусствоведению, доцент  
**Турсунметова Робия Абдулла кизи**  
доктор философских наук (PhD) в области  
по искусствоведению

## ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК:

**Куранов Мухаммаджон**  
доктор педагогических наук, профессор  
**Мардонов Шукрулло Кулдашевич**  
доктор педагогических наук, профессор  
**Исакулова Нилуфар Джаникуловна**  
доктор педагогических наук, профессор  
**Шерманов Элдор Уралович**  
доктор философских наук (PhD) в области  
педагогических наук  
**Нарзуллаев Гулям Асадович**  
кандидат педагогических наук, доцент  
**Абдуjabbarova Musallam Lapasovna**  
кандидат педагогических наук, доцент

## ИСТОРИЧЕСКИХ НАУК:

**Маврулов Абдухалил Абдулхаевич**  
доктор исторических наук, профессор  
**Остонакулов Икромиддин**  
доктор исторических наук, профессор  
**Ашуров Адхам Азимбаевич**  
доктор исторических наук, профессор  
Нижонбоева Кундузхон Вахабовна –  
кандидат исторических наук, доцент

## ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК:

**Турдимов Шамирза**  
доктор филологических наук, профессор  
**Йулдошев Ма'руфжон Мухаммаджонвич**  
доктор филологических наук, профессор  
**Вотона Сeda Александровна Асатуровна**  
доктор филологических наук, профессор  
**Касымов Назим Казымович**  
кандидат филологических наук,  
профессор

## ART SCIENCE:

**Kadirova Sarvinoz Muhsinovna**  
Doctor of Arts, professor  
**Shadiyev Baltaboy Avazovich**  
Doctor of Arts  
**Tadjibayeva Oltinoy Kasimovna**  
Doctor of Arts, professor  
**Khaytmatova Sabokhat Agzamovna**  
Candidate of Art science, assistant  
professor  
**Khudoev Gani Muhammadovich**  
Doctor of Philosophy (PhD) in the field of  
Art sciences, assistant professor  
**Yakubov Baxtiyor Choriyevich**  
Doctor of Philosophy (PhD) in the field  
of Art sciences  
**Tursunmetova Robiya Abdulla qizi**  
Doctor of Philosophy (PhD) in the field of  
Art sciences

## PEDAGOGICAL SCIENCES:

**Kuranov Muhammadjon**  
Doctor of Pedagogical Sciences, professor  
**Mardonov Shukrullo Kuldoshevich**  
Doctor of Pedagogical Sciences, professor  
**Isakulova Nilufar Janikulovna**  
Doctor of Pedagogical Sciences, professor  
**Shermonov Eldor Uralovich**  
Doctor of Philosophy (PhD) in the field of  
Pedagogical sciences, assistant professor  
**Narzullayev Gulom Asadovich**  
Candidate of Pedagogical Sciences,  
assistant professor  
**Abdujabbarova Musallam Lapasovna**  
Candidate of Pedagogical Sciences,  
assistant professor

## HISTORICAL SCIENCES:

**Mavrulov Abduhalil Abdulkhaevich**  
Doctor of Historical Sciences, professor  
**Ostonakulov Ikromiddin**  
Doctor of Historical Sciences, professor  
**Ashurov Adham Azimbayevich**  
Doctor of Historical Sciences, professor  
**Nishonboeva Kunduzkhon Vakhobovna**  
Candidate of Historical sciences, assistant  
professor

## FILOLOGY SCIENCE:

**Turdimov Shamirza**  
Doctor of Filology science, professor  
**Yuldashev Ma'rufjon Muhammadjonovich**  
Doctor of Filology science, professor  
**Votona Seda Aleksandrovna Asaturovna**  
Doctor of Filology science, professor  
**Kasimov Nazim Kozimovich**  
Candidate of Filology science, professor

<b>1. Муллажонов Давлат Мавлонович</b> 1990-ЙИЛЛАР ЎЗБЕК ОММАВИЙ ЭСТРАДА ҚЎШИҚЛАРИНИНГ ОҲАНГ АСОСЛАРИ ХУСУСИДА.....	4
<b>2. Inatullayev Вахромjon Воqijonovich</b> FARG’ONA VODIYSI QIRG’IZLARI MA’NAVİYATIDA MADANIY DIFFUZIYA HODISASI.....	11
<b>3. Умарходжаева Мамура Каримбаевна</b> ЎЗБЕКИСТОН ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ САЊЪАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШИ.....	17
<b>4. Mamatqosimov Jahongir Abirqulovich</b> TALABA-REJISSYORLARNING MUSIQIY TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISHDA – SHARQ MUSIQIY MEROSI TADQIQOT OBYEKTI SIFATIDA.....	22
<b>5. Gaziev Jobirkhon Jurakhonovich</b> PRINCIPLES OF MUSIC TEACHING.....	28
<b>6. Каримова Ширинхон Махмуджон кизи</b> ФОРМИРОВАНИЕ ОБРАЗА СЕМЬИ В СОВРЕМЕННОМ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОМ ИСКУССТВЕ УЗБЕКИСТАНА.....	33
<b>7. Ermatova Sadoqat Nasrullayevna</b> O‘ZBEK MILLIY XALQ O‘YINLARINING YOSHLAR MA’NAVIY TARBIYASIDAGI AHAMIYATI.....	40
<b>8. Qo‘chqorova Dilfuzaxon Egamovna</b> XALQ IJODIYOTI NAMUNALARI ASOSIDA TALABALARNING BADIY TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISH PEDAGOGIK MUAMMO SIFATIDA.....	45

# MADANIYAT CHORRAHALARI


## ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ | CROSSROADS OF CULTURE

Умарходжаева Мамура Каримбаевна

Камолиддин Бехзод номидаги

Миллий рассомлик ва дизайн институти мустақил изланувчиси

### ЎЗБЕКИСТОН ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ САНЪАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ВА РИВОЖЛАНИШИ

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.12250960>

#### АННОТАЦИЯ

Ўзбек қўғирчоқ театр санъати ўзининг бой ва мазмунли тарихига эга. Мақолада ўзбек қўғирчоқ театри санъатининг шаклланиши тарихи, пайдо бўлиши, ривожланиши ва уйғунлашуви тўғрисида фикрлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** қўғирчоқ, қўғирчоқбоз, театр, санъат, спектакль, пьеса, анъанавий, томошабин, ширма, режиссёр.

Умарходжаева Мамура Каримбаевна

Научный соискатель Национальный институт  
художеств и дизайна имени Камолиддина Бехзода

### СТАНОВЛЕНИЕ И РАЗВИТИЕ ИСКУССТВА КУКОЛЬНОГО ТЕАТРА УЗБЕКИСТАНА

#### АННОТАЦИЯ

Узбекское театральное искусство кукол имеет свою богатую и содержательную историю. В статье представлены идеи об истории, возникновении, развитии и гармонизации искусства узбекского театра кукол.

**Ключевые слова:** кукла, кукловод, театр, искусство, спектакль, пьеса, традиционный, зритель, ширма, режиссёр.

Umarkhodjaeva Mamura Karimbaevna,

Independent competition of Kamoliddin Behzod

National Institute of painting and design

### FORMATION AND DEVELOPMENT OF THE ART OF THE PUPPET THEATER OF UZBEKISTAN

#### ANNOTATION

Uzbek puppet theater art has its own rich and meaningful history. The article presents ideas about the history of development, appearance and harmonization of the art of Uzbek puppet theater.

**Keywords:** puppet, puppeteer, theatre, art, performance, pesa, traditional, audience, shirma, director.

Ўзбек халқи “Қўғирчоқ ўйини” санъатининг барча турлари билан қадим замонлардан таниш ҳисобланади. Бу санъат асрлар давомида халқ оммасининг дунёқараши ва интилиши,

майли ва дидини ифода этган. Унинг манфаатларини ҳимоя этган. Авлоддан авлодга ўтиб янги тажриба, янги анъаналар ҳисобига ривожланиб келган.

Ёш мураббийлар ҳам болалар тарбиясида кўғирчоқ санъати муҳим аҳамиятга эга эканлигини англашди. Шу боис, собиқ Халқ Маорифи Комиссарлиги 1918 йилдан кўғирчоқ театрини ташвиқот қуролига айлантиришни бошлади.

1928 йил май ойида Семён Этьен бошчилигида бир гуруҳ актёрлар Бичер Стоунинг “Том тоғанинг кулбаси” китоби асосида болалар учун махсус тайёрланган спектаклни рус тилида намойиш этган. Спектакль тошкентлик ёш томошабинлар томонидан яхши кутиб олинди. Ана шу бўлажак рус ёш томошабинлари театрнинг илк қадами эди. Орадан кўп ўтмай жамоа таркибида яна бир кичик труппа юзага келган.

Труппанинг биринчи актёрлари халқ кўғирчоқбози Пўлатжон Дониёров ва ёш санъаткорлар Нурхон Эшмухамедов, Ҳамидулла Абдуллаев, Муҳаммаджон Солиев ва Олим Холимтоевлар бўлганлар. 1929 йилнинг май ойида ҳар иккала жамоа собиқ Халқ Маориф Комиссарлиги тизимида қабул қилинди. Труппага 21 май куни “Ўзбекистоннинг Биринчи Давлат ёш томошабинлар театри” номи берилган. Бироқ, орадан кўп ўтмай кўғирчоқ труппа тарқалиб кетган. Нурхон Эшмухамедов, Ҳамидулла Абдуллаев, Муҳаммаджон Солиевлар эса шу тетар қошидаги бўлажак ўзбек ёш томошабинлар театри (ТЮЗ) учун актёрлар тайёрлаш студиясига ўқишга кириб, кейинги фаолиятларини болалар театрида давом эттирганлар.

Мана шу дастлабки кўғирчоқ труппа жуда оғир моддий ва ташкилий шароитда ишлаган бўлса-да, ўзининг қувноқ санъати билан мухлислар эътиборини қозонган. Бутун эски шаҳарнинг суюкли жамоасига айланиб, қисқа вақт ичида 150 мингдан зиёд катта ва кичик томошабинларга бадиий хизмат кўрсатди.

Труппанинг муваффақиятида Пўлатжон Дониёров (1892-1953) хизмати катта бўлган. Санъаткор “кўғирчоқ ўйини” томошаларининг барча турини мукамал билган. Собиқ Совет даврида асосан “Чодир жамол”ни ишлатилган. Илк даврларда қадимги кўғирчоқлар ва анъанавий репертуардан фойдаланган.

Рус ёш томошабинлар театри қошидаги кўғирчоқ труппаси юзага келгач, аста-секин белга боғланадиган чодирдан воз кечиб, йиғма сахнада (ширма) ўйнашга ўтилган. Литга, картон, елимдан ифодали кўғирчоқлар ясаб, ёзма пьесалардан фойдаланилди. Аммо, ўша вақтлар кўғирчоқ театри учун миллий ёзма пьесалар йўқлиги туфайли труппанинг репертуарида фаат рус тилидан таржима қилинган асарлар ажратилиб олинган.

“Петрушка – шум бола”, “Ванянинг болалар боғчаси”, “Ёлғончи бола” кабилар шулар жумласидандир. Бу пьесаларни муаллифи ва аниқ матни номаълум. Репертуарда ташвиқий, тарбиявий ва ижтимоий характердаги асарлар бўлишига эътибор берилган. Кейинчалик театр томошабинлар орасида анча машхур бўлган “Сембо”, “Макс ва Морис” ва “Петрушка – хорижий” каби бирмунча мураккаб асарларни ҳам сахналаштиришга эришган.

Шундай қилиб, бу труппа фаолиятини Республикада янги профессионал театр ташкил қилишдаги дастлабки қадам деб баҳолаш мумкин.

1932 йилда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Марказий болалар бадиий тарбия уйи очилиб, вилоятларда филиаллари очилган. Оқибатда, болалар учун мўлжалланган махсус театрлар сони ошиши учун шароит яратилган. 1934 йилда Самарқанд шаҳрида, бир ўтмасдан Бухоро шаҳрида кўғирчоқ театри труппалари очилган. Чирчиқ шаҳрида ҳам махсус кўғирчоқ театри фаолият олиб борган. Тошкент шаҳрида эса бадиий тарбия уйи қошида ҳам кўғирчоқ театри очилган.

Жамоа оғир моддий ва ташкилий қийинчиликларга қарамай, репертуар яратиш ва ижро маҳоратини оширишга эришади. Натижада театр болажонларнинг энг сеvimли даргоҳига айланган. Жамоа фақат Тошкентда эмас, балки республиканинг бошқа шаҳарларига ҳам тез-тез чиқиб турадиган бўлган. 1934-1935 йилларда Кўкон, Андижон, наманган, Фарғона, Когон, Термиз, Бухоро каби шаҳарларга уюштирилган гастроллар фикримизга далилдир.

Бу театрдан бирмунча кейинроқ Тошкентда ўзбек тилида, Самарқанд шаҳрида ўзбек ва рус тилларида янги кўғирчоқ труппалари ҳам иш бошланган. Уларнинг таркиби ҳаваскорлик жамоаларидан танлаб олинган ёшлардан иборат бўлган. Тошкентдаги кўғирчоқ театр

труппасига В.Погурский, Самарқанд кўғирчоқ театр труппасига эса С.Турсунов ва К.Лазеровлар бадий раҳбар қилиб тайинланган. Самарқанд кўғирчоқ театри труппаси репертуарида рус тилида “Витя бетоб”, “Ака-ука Монгольфлар”, ўзбек ва рус тилларида “Кичкина Рикша” ва ўзбек тилида “Негр Томнинг ўғли” каби пьесалар сахналаштирилган. Бироқ, уларнинг сахнавий талқини бадий эстетик талабга жавоб бермаган. Мутахассислар кадрларнинг йўқлиги натижасида бу театр ўз фаолиятини давом эттира олмасдан 1935 йил бошларидаёқ тарқаб кетган.

Тошкент шаҳридаги ўзбек кўғирчоқ театри 1934 йилда оғир шароитда ишлаган. Оригинал асарларнинг қўйилмагани, спектакль жиҳозларининг етишмаслиги, актёрларнинг тажрибасизлиги, махсус бино йўқлиги ижодий жамоа фаолиятига халал берган. Бироқ, театр ёпилмади, 1935 йилда ижобий томонга ўзгарди. Аввало, театр ижодий таркиби ўн бир кишидан ўн олти кишига етказилиб, Пўлатжон Дониёров, Султонов, Мирзажонов, Нурмухаммедов каби талантли ёшлар қўшилган. Таниқли санъат арбоби Ваҳоб Азимов ҳам келиб қўшилган.

Шу йили Тошкентдаги Дегрезлик маҳалласидаги хотин-қизлар клуби ва Акмал Икромов номидаги маданият ва истироҳот боғидаги сахналар театр учун ажратиб берилган. Оқибатда, 1934 йилда битта, яъни А.Бандернинг “Октябрь ҳақидаги достон” асарини сахналаштирилган бўлса, 1935 йил ўрталарига келиб, “Аълочи”, “Экишга тайёр бўл!”, “Бадан тарбия”, “Негр боласи Том”, “Кечирасиз ўртоқ Довруқ” каби спектакллари намойи этилган. Дастлабки спектакллар бадий жиҳатдан жуда бўш бўлиши билан бирга, асосан ўша давр тарғибот ва ташвиқотидан келиб чиқиб сахналаштирилган. Оригинал асарлардан А.Бандернинг “Кечирасиз ўртоқ Довруқ!” комедияси кичик ёшдаги ўқувчилар орасида машҳур бўлган. Асардаги ота-онаси, ўқувчилари ва тенгдошлари билан қўпол муомалада бўлувчи айрим тарбиясиз болалар ҳажв остига олинган.

Шунингдек, А.Исмоиловнинг ўсмирлар ва катталар учун сахналаштирилган “Қутқариш” номли спектаклида Жамила исмли етим қизнинг тақдири орқали аёллар ва уларни ўқитиш, ижтимоий ҳаётдаги ўрни каби масалалар кўтарилган. Жамила яшаган қишлоқдаги оромгоҳда шаҳарлик болаларни учратгани, қишлоқда қизларни эрта турмушга беришга қарши кураши, мактабга бориши спектаклда тасвирланган. Пьеса сюжети жуда содда ҳисобланади.

1934 йил охирида, кўғирчоқ театри Акмал Икромов номидаги ўқувчилар саройига ўтказилади. Аслида ўзбек кўғирчоқ театри труппаси ўқувчилар саройида 1932 йилдан бери фаолият олиб бораётган Республика кўғирчоқ театрининг рус бўлимига қўшиб юборилган эди. Театрда “Айёр тулкихон”, “Ўрдакча”, “Шоҳ Султон ҳақида эртақ”, “Олтин калит”, “Кичкина Мужнинг саргузаштлари”, “Кичкина Пальма”, “Қуён қандай қилиб шерни енгди”, “Ботир тикувчи” ва бошқа асарлари репертуардаги муҳим спектакллар бўлиб, ёш томошабинларда катта таассурот қолдирган.

Ўзбек кўғирчоқ театри 1936-1938 йилларда “Қуённинг қайғуси”, “Сехрли кавш” каби таржима асарлар билан бир қаторда, ўқувчилар ҳаётига бағишланган “Қоровулликда” (Ш.Тамкин), ҳарбий-ватанпарварлик мавзусидаги “Чегара”, сувни асраш билан боғлиқ “Букри” (А.Бандер), ўқитиш услублари билан боғлиқ бўлган “Эски мактаб” (Турсунов) ва эртақ-пьесалардан “Беш бола” (А.Исмоилов), “Арслон ва қоплон” (Мумтоз) каби спектакллар сахналаштирилган. Театрда М.Тожизода ва П.Дониёровлар анъанавий ўзбек кўғирчоқ театри усталарининг маҳоратларини замонавий кўғирчоқ театр имкониятлари билан ҳамоҳанг қилишга уринганлар.

1935 йили ўзбек кўғирчоқ театри “Чодир хаёл” номли томошани Акмал Икромов номидаги истироҳот боғида намойиш қилганлар. Бу анъанавий кўғирчоқ театрининг “Саркардалар” номли юморга бой томоша эди. Томошада П.Дониёров ва бир неча халқ кўғирчоқбозлар иштирок этганлар. Иплар билан бошқариладиган кўғирчоқлар билан кўрсатилган бу томоша кўпгина томошабинларга манзур бўлган. Ана шу воқеа сабаб 1937 йил 28 май ойда Москва шаҳрининг Максим Горкий номидаги маданият ва истироҳат боғида Собир Абдулла қаламига мансуб “Салтанат” пьесааси асосида спектакль намойиш этилган.

Ушбу спектаклда Қўқон хони Худоёرخон ва унинг саройидаги воқеалар тасвирланган. Қўғирчоқ театрининг молиявий шароити оғир бўлганлиги туфайли унинг харажатлари Ўзбек филармониясига юкланган. Постановкага Пўлатжон Дониёров, Маҳмуджон Мирзакаримов, Тиллахон Матёкубов, Гофиржон Мирзараҳимов, Мирзакарим Гофуров каби актёрлар жалб қилинган. Унинг бадий раҳбари Муҳаммад Тожизода бўлган. “Салтанат” спектакли декада охиригача намойиш қилинган бўлиб, томошабинга рус қўғирчоқ театрига ўхшамайдиган жиҳатлари, қўғирчоқни ўйнатиш усуллари қизиқ бўлган. Энг қизиғи, иплар билан ўйнатилган қўғирчоқ театри москваликлар учун янгилик эди. Бу спектакли Тошкентга қайтгандан кейин тошкентликлар учун ҳам қўп бора намойиш қилинган.

1928-1939 йиллар давомида европача қўғирчоқ театри ташкил этиш борасида собиқ совет ҳукумати астойдил ҳаракат қилган. Чунки, ўзбек халқининг анъанавий театри тугатиб, европача қўғирчоқ театрини ташкил қила олмасликларини тушуниб борганлар. Қўпроқ рус театрларини йирик аҳоли марказлари бўлган Тошкент Самарқанд, Чирчиқ каби шаҳарларда қайта-қайта очиб борганлар. Собиқ иттифоқ даврида бу масалани анъанавий қўғирчоқ театрдан замонавий қўғирчоқ театрига ўтишда олинган тажрибалар деб кўрсатишади.

1939 йилда Республика пойтахтида профессионал давлат театрини юзага келишидан замин ҳозирланган деб эътироф қилишган. Ўзбекистоннинг ўша вақтдаги ҳукумати 1939 йил 19 март кундаги қарорида Ўзбек ёш томошабинлар театри қаторида ўзбек қўғирчоқ театри ва рус қўғирчоқ театри труппаларини бирлаштириб – Республика қўғирчоқ театрини ташкил этилган. Ушбу театрға бадий раҳбар этиб таниқли кинорежиссёр, Ўзбекистон халқ артисти Йўлдош Аъзамов тайинланган.

Юқорида келтирилган қўғирчоқ театр труппаларда саҳналаштирилган спектаклларнинг аксарияти ёш болаларга мўлжалланмаганлиги кўзга ташланади. Анъанавий қўғирчоқ театри ҳам гарчи миллийлик билан суғорилган бўлса-да, кичик ёшдаги томошабинларга мослаштирилмаган эди. XX асрнинг 30 йилларига қадар қўғирчоқ театр томошалари ёши катталарга учун қўпроқ хизмат қилган бўлса, совет даврида бу театр ёши кичикларга мўлланиб қолган. XXI аср бошларига келиб эса қўғирчоқ театрида ёши катталарга мўлжалланган спектакллар камайиб кетишига олиб келган.

Кўриниб турибдики, профессионал давлат қўғирчоқ театрининг асосий мақсади болаларни эстетик ва ғоявий тарбиялашга алоҳида урғу берила бошланган. Балки бу том маънода, қўғирчоқлари халқ театрининг анъанавий асл санъатини янги ҳаёт ва жамияни янги вазифаларини бажариши лозим бўлган шароитида тиклай олмас эди. Бироқ, шунга қарамай ўзбек халқининг сеvimли қаҳрамонларидан – Качал полвон ва Бичихонларнинг машҳурлиги кейинчалик ҳам болаларнинг сеvimли қаҳрамонларига айланиб қолаверган.

Шундай қилиб, янги ташкил этилган давлат қўғирчоқ театрининг яна бир ибратли ва қудратли тарбиячиси, ҳамроҳи драматик театр ҳисобланади. Драматик театр қўғирчоқ театрининг репертуари бойишига, тарбиялаш услубларининг кенгайишига ўз таъсирини ҳозиргача кўрсатиб келмоқда. Бу ҳолнинг салбий ва ижобий томонлари бор, албатта. Гоҳида қўғирчоқ театрлари режиссёрлари драматик театр услубларини ўз спектакларида ошириб қўллайдилар ва “жонли план”да актёрлар “ўзлари”ни намойиш этиши мазмунан ва шакл жиҳатдан асосланмайди. Гоҳида, қўғирчоқ театри спектакларида бадий бутунлик талабларига асосан – драматик театр усуллари қўл келади ва бу ҳолларда уларнинг қўлланиши ўзини оқлайди.

Қўғирчоқ театр санъатининг ўзига хосликларига келсак, – бу фақат тажриба орқали ортириладиган сеҳрли хусусиятлар янги турдаги қўғирчоқ театри санъатида мавжуд. Бу спектакллардаги режиссёр талқини, актёрларнинг саҳна образлари яратиш услублари, рассом ва композиторларни ифодавий, мусиқий, ижодий маҳсулотларини синтези орқали намоеён бўлди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Қодиров М., Қодирова С. Қўғирчоқ театри тарихи. – Тошкент., 2006.

2. Исломов Т. Тарих ва сахна. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1998.
3. Раҳматуллаева Д. Тарих ва театр. – Тошкент, 2022.
4. Ўринов Э. Қўғирчоқ театрида репертуар масаласи // Театр журнали, 1-сон, 2004.



# MADANIYAT CHORRAHALARI

6-JILD, 1-SON

ПЕРЕКРЁСТОК КУЛЬТУРЫ

ТОМ-6, НОМЕР-1

CROSSROADS OF CULTURE

VOLUME-6, ISSUE-1

**Editorial staff of the journals of [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**Контакт редакций журналов. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz)**

ООО Тадqiqot город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000